Илмий-тадқиқот ишмал мавзуси Яқин Шарқ минтақаси ва ундағи долзарб масалаларга бағишилганни сабабли манбалар ва адабиётларни амалий жараёнлар билан боғлаш имконияти вужудга келди. Яқин Шарқ минтақаси геосиёсий, геоиқтисолид ўзмадий ҳамда маданий омилларга кўра, жаҳоннинг энг мухим стратегик ва ҳозибадор минтақаси хисобланади. Ушбу ҳудуд азалдан ўзининг мухим геостратегик жойлашуви ва бошқа минтақаларга нисбатан табиий ресурсларнинг кўплигига билан дунё ётиборини ўзига жалб этиб келган. Бу борада Яқин Шарқ минтақасининг аҳамиятини қўйидагина асослаш мумкин.

Географик омиллар. Яқин Шарқ Осиё, Африка ва Европанинг кесишиган ҳудудида жойлашган. Аҳамияти жиҳатидан Яқин Шарқ минтақаси жаҳоннинг энг мухим транспорт йўлларида ва дегандан Ўрта Ер дengизининг жанубий ва шарқий қирғоқлари атрофидаги ерлар, шунингдек, Арабистон ярим ороли, Эрон ва Шимолий Африка ҳудудлари тушунилади. Яқин Шарқ, деб аталган, бу ном Ғарб географлари ва тарихчилари томонидан берилган. Улар Шарқни қўйидагича 3 та гурухга бўлишган: Яқин Шарқ дегандан Ўрта Ер дengизидан Форс кўрғазигача қамраб олинган, Европа энг яқин минтақа, Ўрта Шарқ Форс кўрғазидан Жанубий Осиёгача бўлган ҳудуд, Узок Шарқ дегандан эса Осиёнинг Тинч

## ТА'ЛИМ



## ЎҚИМАГАН ЎҚИТУВЧИ орқада қолиб кетади

**Бугун ўз устида ишламаган,  
замонавий билим ва  
кўнгликаларни эгалламаган  
ўқитувчи ёшларнинг кўнглидан  
жой тополмайди. Шунинг учун  
ўқитувчи ҳам ҳар куни ўқиши,  
урниши зарур.**

Наманган давлат университети аниқ ва табиий ўйналишлар бўйича чет тиллар кафедраси доценти Турсуной Нишанова захматкаш, фидойи ўқитувчилардан. 37 йилдан бўён таълим соҳасида фаолият юритиб келаётган устоз меҳнат фаолиятини 2001 йилда Наманган давлат университети факультетларо чет тиллар кафедрасидек ўқитувчилардан бошланган. Йиллар давомида университетнинг турли факультетлар йўналишларида немис тили фанидан бакалавриат босқичларида амалий машгул олиб борган.

Т.Нишанова амалий машгулотларни махсус жиҳозланган аудиторияларда, замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб боради. „Кластер”, „Диалогик ёндашув“ „Вена диаграммаси“, „Нима учун?“ схемаси, „Кандай?“ иерархик-диаграммаси, „Барча омилларни қара“, „Case study“, „SWOT“ таҳлили каби замонавий ўқитиш усуслари ва педагогик технологиялари, мультимедия таълим ресурслари талабаларнинг ўқишига бўлган қизиқишилари ортиши, дарсларни яхши ўзлаштиришида кўл келади.

Хусусан, кафедра аёллари билан мънавий-мърифий ишларни тизимили ташкил этишга алоҳида этишиб қаратди. Кафедрада ўқизиладиган очик дарслар, уларнинг таҳлили, кафедра фанлари бўйича исчи дастурларнинг яратилиши, ўқув-услубий кўлланмалар, тарқатма материаллар, тестлар бланкини тайёрлаш ва уларга тақризлар ёзиш жараёнларида фаол қатнашиб келмоқда. У Ziyonet ахборот-ресурс порталини ахборот-таълим ресурслари билан бойитиш, мутахассислиги

бўйича яратган услубий кўлланмалари, луғатларнинг электрон версияларини яратиш ва улар асосида универсitet электрон кутубхонани бойитишга ўзининг самарали ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Т.Нишанова кафедрада иқтидорли талабалар ҳамда ўш ўқитувчilar фаолиятини ташкил этиш ва уларни илмий жараёнга жалб этиш ишларида бевосита иштирок этиб, илмий-услубий маслаҳатлар берib келмоқда.

Унинг бир қатор ўкув кўлланмалари, 30 га илмий мақолалари нафакат мамлакатимизда, балки хориҳ давлатлари нашрларида чол этилган. Жорий йил май ойида „Кундаклик ҳаётнинг диалоглари“ номли ўкув кўлланмаси давлат гувоҳномасига эга бўлди. Мазкур ўкув кўлланмада кундаклик вазиятларга доир аутентик диалоглар берилган. Таълим билан боғлиқ диалоглар ёрдамида талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутки ривожланади, мулқотда шунинг имконини беради.

Турсуной опа Нишанова доим изланади, илмий салоҳиятини мунтазам ривожлантириб боради. 2003, 2008 йилларда Гёте институтининг грант соҳиби бўлган, Германиянинг Берлин, Манхайм, Дрезден, Майссен, Бонн, Франциянинг Париж, Нидерландиянинг Амстердам шаҳарларида бўлғиб, нуфузли олийгоҳларда малака ошириб келган жонқуяр устоз ҳозирги кунга қадар 36 та ҳалқаро ва миллий сертификатларга эга бўлди.

Замон кун эмас, соат сайнин тезлашиб, мурakkablaшиб бормоқда, – дейди Турсуной опа. – Кечаги билим бугун ва этра учун етарли бўлмаяпти. Демоқчиманки, педагог ўз устода ишлashedan bir lažza ҳам тўхташга ҳақи ўй. Ўқувчilarimizni ҳам фундамental bilimlar bilan birgaliqda xorixiy tillar, axborot teknologiyalari kabi ilm bilan қurollantirishimiz zarur.

Ўз мухбиришимиз.

## УСТОЗЛАР – ҲАЁТ ЧАРОФБОНИ

**Дунёда устознинг меҳнатидан оғир юмуш ўйк нэздимда. Негаки, ҳали ҳеч қандай ҳат-саводи йўй ҳав-нинҳол боланинг кўйидан тутиб, ўқиши-еъшини ўргатгунга қадар чекиладиган мashaқат ва захмат ўчлаш қийин. Ҳар биримизни тўғри ўйлга чорлаган, билмаганимизни ўз фарзанди каби бошишимизни силаб ўргатган инсон устоздир.**

„Ўзбекистон“ локомотив депосида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббайлар куни муносабати билан мазкур даргоҳда ўзок йиллар ишлаб, шогирдлар етишистирган фахрий устозлар хамда депода ҳозирда ҳам „устоз-шоғири“ аънанасига мувоффик кўлпаб етук мутахассислар тайёрлашда илдам бўлди келаётган фидойи устоз ва мураббайлар учун байрам тадбир ташкил этилди.

Дунёда шундай касб ғалари борки, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин, – деди депо бошини Ф.Махмадов. – Ўқитувчilar esa ҳаётимиз ҷаробонларидир. Ким бўймайлик, қайси соҳада ишламайлик, барчамизга таълим ва тарбия берган устозларимизdir. Кимки бу ҳаётда бирор ютуқка ёрисса, касбидан эъзоз топса, унинг қалбida устозларига, биринchi ўқитувчисига бўлган ҳурмати абадий мухрланиди. Шунинг учун ҳам устозлардан таълим ва

тарбия олган, ўзини олдингизда умрбод қарздор, деб хис этадиган барча инсонлар номидан ҳар қанча миннатдорчилик билдирас, шунча оз. Ҳаёт бор экан, устозлик касби ўзининг мъно-мазмuni ва олижаноблигини, аҳамияти ва хурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Тадбирда депода ўзок йиллар ишлаб нафакага чиқкан фахрий темирйўлчилар, корхона ривожи йўлида фидокорона меҳнат килиб келаётган 50 нафар ишчи-ходимлар „Ташаккурнома“ хамда эсадалик совғалари билан тақдирланди.

Анжумандда Узбекистон Ҷаҳромони, „Фахрий темирйўлч“ белгиси соҳиби Пўлат Рўзиев ҳам сўз олиб, устоз ва мураббайларга ўтибор ҳамда эъзоздан бағоят миннатдор эканини изҳор этиди. Йўловчи ва юкларни ўз манзилига ҳавфисиз етказиши энг масъулиятли, шу билан бирга, шарафли вазифалардан эканини таъкидлади.

Тадбирнинг бадий қисмида янграган кўй ва қўшиқлар, дил изҳорлари барчага кўттаринки руҳ бағишилди.

**Феруза Ҳудойқуловага,  
„Ўзбекистон темир йўллари“ АЖ  
Ахборот-таҳлилий медиа маркази  
ходими.**

## 42 НАФАР ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ САФИМИЗГА ҚЎШИЛДИ

Фаоллик бор жойда муваффақият бўлади. Иzlaniш ва интилиш эса тараккӣтга хизмат қилиши табиий. Бу борада Ўзбекистон ХДП Муэрзабот туман кенгаши томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий химояга мухтож аҳоли доимий ўтиборда. Электорат вакилларини ўйлантираётган масалалар жойида ечим топаяпти. Шу билан бирга, сафларимизни ёш ва иқтидорли ўғил-қизлар билан тўлдириш ишлари ҳам назардан четда қолаётгани ўй.

Партия ташкилоти ташаббуси билан яқинда 42 та мажалла фуқаролар йигинидаги ёшлар етакчилари партия аъзолигига қабул килинди. Туман кенгаши масъуллари, депутатлар ва меҳмонлар иштирок этган тадбирда уларга аъзолик гувоҳномалари ҳамда эсадалик совғалари топширилди.

– Худудада 2246 нафар аъзони бирлаштирган 43 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Муэрзабот туман кенгаши раиси Панжи Норматов. – Жорий йилиннинг тўқиз ойида 180 нафарга яқин хайриҳоҳ сафимизга қўшилган бўлса, ийл якунига қадар бу борадаги кўрсаткичини 250 тага етказиш кўзда тутилган.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Ана шундай эзгу амал ѕўллаб-кувватланиб, жойларда кенг қулоч ёзса айни мудда бўларди.



**Абдумалик Ҳайдаров,  
„Ўзбекистон овози“ мухбири**

# КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ҳақида хабар берган ходимлар рағбатлантирилди

**Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиб бўйича комплекс ишҳодотлар амалга оширилмоқда.**

**Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ўтган вақт мобайнида қандай ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида вазирликтин Коррупцияга қарши кураши юзасидан „Компләэнс назорат“ бўйими бошлиги Далер Темиров майломут берди.**

– Вазирлик тизимида 2020 йил октабрь оидан „Компләэнс назорат“ фаолияти йўлга кўйилган бўлиб, 14 та худудий Бандлик бошқармаларида 14 нафар „Компләэнс назорат“ ходими ишлаб келмоқда, – дейди Далер Темиров. – Шунингдек, тасарруfий ташкилотларда ва туман аҳоли бандликка кўмаклашиб марказларида масъуллар тайинланган. 2021-2022 йиллар давомида „Компләэнс назорат“ бўйими томонидан куйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 16 дан ортиқ ички-идоравий ҳужжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Меҳнат шартномалари коррупцияга қарши курашиб бўйича банд киритилди. Тизимда манфаатлар тўқнашви ўрганилди ҳамда бартараф этилди. Шунингдек, ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашви юзасидан декларация ҳам тўлдирилди.

Бундан ташқари, вазирlikning расмий веб сайтида коррупцион ҳолатлар тўғрисида хабар бериш имкониятини берувчи алоқа каналлари жорий қилиниши билан бирга, ишга қабул қилиши очиқ танлов асосида амалга оширилмоқда. Шу ўринда жорий қилинган янга бир янгиликни ҳам айтиб ўтмоқчи эдим. Эндиликда, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш механизми, яъни хабар берган ходимларни рағбатлантириш,

уларнинг таъкибига олинмаслиги ҳамда хабар берган ходим сир сақланиши кафолатланади.

Эндиликда вазирlikning тегишил буйруғига асосан давлат харидлари назорати „Компләэнс назорат“ ҳамда „Молиявий назорат“ томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, вазирlikning барча функция ва вазifa-ларида коррупцияни ювоний хавф-хатарларни аниқлаша бўйича бахолаш ўтказилди ва хавф-хатарлар даражаси юқори лавозимлар рўйхати тузилди ва уларни пасайтириш бўйича дастур ишлаб чиқилиди. Даструга кўра, йил якунига қадар пасайтириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, янги ишга қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши кураши бўйича амалга оширилган ижобий ишлар

(online) имкониятлари яратилди.

Вазирlik тизимида ўтказилган ўрганишлар натижасида жорий йил давомида жами 68 та фуқаро мурожаати келиб тушган ва ўрганиш жараёнидаги 8 нафар тизим ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари кўллантирилган. Қолаверса, тизимида 32 маротаба хизмат текшируви амалга оширилиб, 21 нафар тизим ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари кўллантирилган. Шунингдек, хукуқни муҳофаза қўливи органларга 9 маротаба ҳолат юзасидан маълумот юборилган ва 2 та ҳолатда жинойиши кўзғатилилган ва 1 нафар тизим ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинган.

Тизимда коррупцияга қарши курашиб борасида амалга оширилган ижобий ишлар

самарасида жинойи жавобгарликка тортлиш ҳолатлари 2021 йилга нисбатан 2022 йил 6 ойлик таҳлил натижаларига кўра, 60 фоизига пасайсан.

Хулоса ўрнида, вазирlik, идора ва ташкилотлари коррупцияга қарши мувофиқлик назоратининг жорий этилиши коррупцияни маълум миқдорда олдини олишга хизмат қилимокда. Натижада коррупциянинг олдини олиш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг ҳалқаро рейтингларда ўз ўрнини янада яхшилашига ва инвестицион жозибадорлигини оширишга ёрдам беради.

**“Ўзбекистон овози” мухбири  
Тоштемир Ҳудойқулов  
таёrlади.**



## КО'МАК

**ХУНАРМАНДЧИЛИК ҲАМ  
ТАРИХИ, ҲАМ КЕЛАЖАГИ БОР  
СОҲА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ  
ЖОРӢЙ ЙИЛ 12-13 МАЙ КУНЛАРИ  
ФАРГОНА ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ  
ЧОҒИДА МАЗКУР СОҲАНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА  
ҲАЛҚ БАНКИ ЗИММАСИГА АНИҚ  
ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛГАНДИ.**

**ЮРТИМИЗДА УСТА-ХУНАРМАНДЛАР  
УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР  
АЖРАТИШ, ЗАРУР ИМКОНИЯТ ВА  
ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БОРАСИДА  
ИЗЧИЛ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.  
ҲАЛҚ БАНКИНинг БУ БОРАДА  
ҚИЛАЁТГАН ИШЛАРИ АЙНИ ВАҚТГА  
КЕЛИВ КЎЗГА КЎРИНИB ҚОЛДИ,  
ДЕБ БЕМАЛОЛ АЙТИШ МУМКИН.  
ХОЗИРДА БАНК ТОМОНИДАН**

**ХУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИГА  
АЖРАТИЛАЁТГАН БИР НЕЧТА КРЕДИТ  
ТУРЛАРИ МАВЖУД. ЖОРӢЙ ЙИЛНИНГ  
ЎЗИДА ҲАЛҚ БАНКИ 640 ГА ЯҚИН  
ХУНАРМАНДЧИЛИК ЛОЙИҲАЛАРИГА  
ҚАРИЙБ 27 МИЛЛИАРД СҮМЛИК  
КРЕДИТ АЖРАТИБДИ.**

**ШУ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ҲАЛҚ  
БАНКИНинг МОЛИЯВИЙ КўМАГИ  
ҲАМДА ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН  
ҲАМКОРЛИҚДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ  
“САЙИЛГОХ” КЎЧАСИДА “ТОШКЕНТ  
СУВЕНИРЛАРИ” КЎРГАЗМА-САВДОСИ  
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**



– Президентимизнинг 2021 йил 20 дебардаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ахолининг даромад манбанини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 30 дебардаги “Хунармандчилкни фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда жорӣ йилда давлат раҳбарининг Фарона вилоятига ташрифи давомида банкимизга алоҳида берган топшириклири ижроси юзасидан қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Ҳалқ банки бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Зафар Азимов. – Жумлападан, банкимиз томонидан мамлакатимизда миллий хунармандчилк соҳасини ривожлантириш учун йиллик 14 фоиз билан 225 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредит ажратилиши белгиланган.

Бунга кўра, жорӣ йилнинг 1 мартаидан бошлаб “Хунарманд” уюшмасига аэзо тадбиркорлик масофадан аризалар бериш ҳамда кредит ҳужжатларини электрон ракамли имзо ёрдамида тасдиқлаш имконини

берувчи ягона электрон платформа (Oilakredit.uz) ишга туширилди. Мазкур платформа орқали бошқа имтиёзли кредитлардан фарқли ўлароқ, “Хунарманд” уюшмасига аэзо тадбиркорлик субъектлари хеч қандай навбатларсиз имтиёзли кредит олиш учун аризалар тақдим этиши, бунда ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳалланинг йиллик лимитига таъсир этмаган ҳолда тавсиянома тақдим этиш имконияти яратилди. Натижада Ҳалқ банкининг туман (шахар) филиаллари томонидан 2018-2022 йилларда “Хунарманд” уюшмасига аэзо тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаолиятини кенгайтиш мақсадида 6 410 та хунармандчилк лойиҳасига 374,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблаглари ажратиб берилган бўлиб, эътиборли жиҳати 2022 йилнинг ўзида 407 та хунармандчилк лойиҳасига 17,7 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Бундан ташқари, “Хунарманд” уюшмасига аэзо тадбиркорларни маҳсулотларини сотишни тезлаштириш, пул айланасини яхшилаш ва молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида улар томонидан ясалган хунармандчилк маҳсулотларини сотиб олиш учун доимий даромадга эга бўлган жисмоний шахсларга иштемол кредитлари ажратилиши тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётага жорӣ этилди. Шунингдек, мазкур тартиби асосан, “Устоз-шогирд” анъанаисига кўра, шогирдликка тушган лекин “Хунарманд” уюшмасига аэзо бўлмаган фўқароларга керакли асбоб-ускунларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида кредит малаги ажратиш имконияти ҳам яратилди. Бунда кредитлар банкнинг ўз маблаги ҳисобидан 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли кредит муддатига давр билан 30 миллион сўмгача йиллик 21 фоиз билан пул кўчириш ўйли орқали ажратилмоқда.

“Хунарманд” уюшмасига аэзо тадбиркорларнинг йирик лойиҳаларини амалга оширишни ҳам қўллаб-қувватлаш бўйича банкнинг ўз маблаги ҳисобидан 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли кредит муддатига давр билан 900 миллион сўмгача кредит ажратиш йўлга кўйилди. Бунда тадбиркорнинг ҳоҳишига кўра, кредит миқдорининг 10 миллион сўмгача бўлган қисмини нақд пул кўринишида олиш имконияти ҳам яратилган.

Бир сўз билан айтганда, Ҳалқ банки хунармандчилк бўйича ташкил этилаётган ҳалқаро ва маҳаллий тадбирлarda ҳам фаол иштирок этиб келмоқдам. Мисол тарикасида жорӣ йил 21-24 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган “Халқаро зардӯзлик, заргарлик ва каштачалик фестивали” ҳамда 19-21 август кунлари “Тошкент сувенирлари” номли ҳалқ хунармандчиллиги маҳсулотлари Республика кўргазма-ямармасида банк ҳомийлик асосида иштирок этди.

– 15 йилдан бўйича момоларимиздан мерос ҳисобланган заргарлик ҳунарини асррабаётлаёт, ёш авлодга ўргатиб келмоқдамиз, – дейди Ҳунарманд Ҳикматхон Ғиёсов. – Бугунги кунда оилавий кичик корхонамизда миллий тақинчоқлар турлари, яъни зебизийнат, зеби гардон ва тилла қош каби буюмлар ясалиб ҳаридорларга етказиб берил-



## ХУНАРМАНДЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР, ОИЛАЛАРГА БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ

» **“Хунарманд”  
уюшмасига аэзо  
тадбиркорларнинг  
йирик лойиҳаларини  
амалга оширишни ҳам  
қўллаб-қувватлаш  
бўйича банкнинг ўз  
маблаги ҳисобидан 36  
ой муддатга 6 ойлик  
имтиёзли давр билан 900  
миллион сўмгача кредит  
ажратиш йўлга кўйилди.  
Бунда тадбиркорнинг  
ҳоҳишига кўра, кредит  
миқдорининг 10 миллион  
сўмгача бўлган қисмини  
нақд пул кўринишида  
олиш имконияти ҳам  
яратилган.**

оиласидан ортамётганини айтишди. Ҳамма ҳам ўзимдай оила-да. Қўйон шаҳридаги Ҳалқ банки филиали ҳунармандлар учун алоҳида имтиёзли кредитлар ажратётганини эшишиб колдим. Банка бояяпману яқинларим пул бермади, бани ишониб маблаг берадими, деган хаёл ҳеч тинчлик бермасди. Шундай ўй-хаёллар билан бўлиб, банкнинг олдига борганимни сезмай қолибман. Нима бўлса-бўлид, деб банка кирдим. Банк ходимлари мақсадимни билгандан сўнг, сизга 32 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратамиз. Факат бир неча ҳужжатларни олиб келинг, дейишди. Сўраган ҳужжатларини эртаси кунине олиб бориб бердим ва икки кунда айтилган маблагни олдим. Ушбу маблагга эса керакли асбоб-ускуналар сотиб олдим. Ҳозирда ойига 5-6 миллион даромад топаётман. Ажратилган кредитни тўлаб бўлдим, хисоб. Энди бир иккита хунармандлар билан биргаликда бирлашиб, каттароқ корхона очишни режа килиб турибиз. Бунда ҳам банкнинг молиявий кўмаги зарур бўлади. Уларга шу тақлифимизни айтганимизда, маблаг ажратиш борасида муаммо бўлмаслигини айтишди.

– Мактабда ўқib юрган пайтимдаёк куличчиликка меҳр кўйгандим, – дейди Риштон



моқда. Адашмасам, 500 дан ортиқ шогирдлар тайёрладим. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги шу соҳада ўз ишини йўлга кўйиб олган. Ясаётган буюмларимизга талаб ортаётганини боис фаолиятимизни кенгайтирмоқчи бўлдик. Шунда бизга Ҳалқ банкининг Қўйон филиали яқиндан ёрдам берди. 33 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига заргарлик буюмларини яашага зарур бўладиган асбоб-ускуналар харид кильдик ва 20 та янги иш ўрни ташкил этдик. Ҳозирда ойига 15 миллион сўмдан ортиқ даромад кўрмоқдамиз. Банк берган кредитини ҳам деярли тўлаб бўлдик. Фаолиятимиз кенгайтигани учун янга имтиёзли кредит олишини режа килиб турибиз. Мен нима демокчиман, ҳалқинген тадбиркор бўлишида молиявий жихатдан қўллаб-қувватлашдан банкларимиз кўпаяверсин. Битта кичикроқ тадбиркорлик иши яхши бўладиган бўлса, 5 ёки 10 нафар одамни иш билан таъминланайди. Бу шунча оиласидан гўзгори бут бўлиши билан бирга, фаронлиги таъминланади, деганидир.

– Қўйон шаҳридаги Ҳодиржон Ҳайдаров мактабидаги уста Мирзаюнус Умаровдан миллий ёғоч ўймакорлиги ҳунарни ўрганиб, устачилик киляётганимизни ҳам 10 йилдан ошиди, – дейди Ҳунарманд Иқболжон Отажонов. – Ҳозир якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолиятимни давом эттириб келмоқдаман. Бугунги кунда нақшинкорустуллар, нақшинкор саккиз киррали хонтахта, курси ва бошқа оиласидан буюмлар ясад истемолчиларга етказиб бермоқдаман. Ҳар бир ишда, айниқса, ёғоч ўймакорлигига ишлатишга мўлжалланган зарур асбоб-ускуналаринг бўлмаса, ўзинг ўйлаб ижод қилган нақшинкор безакларни чиқариша кўп вакт сарфлашга тўғри келади. Шу боисдан асбоб-ускуналарни сотиб олишга рўзгордан ортириб маблаг топа олмаётгандим. Яқинларим, дўсту бирорларимдан пул сўраб кўрганимда, улар ҳам

туманидаги Навоий МФДда истиқомат қиливчи якка тартибдаги тадбиркор, кулол Муҳридинн Ҳамолиддинов. – Шу боисдан аввалига чинни буюмларига безак беришга ихтинослашган кичикроқ корхона ташкил қилдим. Бугунги кунда корхонамизда 65 нафар ишчи-ходим ишлади. Улар ҳунармандчилк қилиши билан бирга, ярим тайёр маҳсулотларни безак бериш ишлари билан шуғулланади. Ҳозирда ишлаб чиқараётган чинни маҳсулотларимиз ички бозорларда ҳаридоргир бўлиш билан бирга, ташкил бозорларда хусусан, кўшини давлатлар – Тоҷикистон, Қыргизистонда ҳам ўз мизозлар сонини кўпайтиromoқда.


Бугунги кунда ички ва ташкил бозорларда сопол идиш-төвокларга эҳтиёж ортаётганини хисобга олиб, фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида Ҳалқ банки Риштон филиалидан 225 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағини олдик. Ажратилган маблагга кулолчилик дасттохларини харид қилдик. Яқин кунларда сопол идиш-төвокларни ишлаб чиқаришини йўлга кўймиз. Бу маҳсулотларимизни чет давлатларга экспорт қилиш ниyatидамиз. Ҳозир хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда. Янги лойиҳамиз юнга тушадиган бўлса, яна тахминан 40 та янги иш ўрнини ташкил қилишини мақсад қилганимиз.

Муҳридин Ҳамолиддинов сингари кулол, ҳунарманд замондошларимиз мерос қадриятларимиздан келажак авлодлар баҳраманд бўлишига, ўз оиласи ва бошқа оиласидан буюмларга кўшини даромад манбай яратишга хизмат килишишмоқда. Ҳалқ банки уста-ҳунармандларнинг ёнида турив, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Тоштемир ҲУДОЙҚУЛОВ,  
“Ўзбекистон овози” мухбири.**



## ЯШАШ – ҲИКМАТ, УЗОҚ УМР – ЗИЙНАТ



Узок умр кўришни орзу қўлмайдиган инсон бўлмаса керак. Қишининг ҳаёт мазмуни эса факат моддий фаровонлини билан эмас, балки ҳалқимизга хоҳ қадрият ва анъана мезонлари билан ҳам ўлчамади. Шунинг учун ҳар биримиз дориломон кунлар қадрига этиб, бебаҳо лаҳзалардан унумли фойдаланишимиз керак.

Денов туманинг "Боги эрам" маҳалласида истиқомат қиливчи Бибиражаб Муродова ана шундай ибратори шурӯйлини босиб ўтаётган пиру бадавлат инсонлардан бири. Асрларнинг гувоҳи бўлган момомиз Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида 102 ёшни қарши олибди. Тўрт нафар фарзанд, 21 набира ва 40 дан ортиқ чевара ва эваралар қуршовида қариплик гаштини сураётган онахон билан бир муддат гурнглашдик.

– Ҳар бир даврнинг ўзига хос қувончу ташвишлари бўларкан болам, – дейди Бибиражаб момо оғир тин олиб. – 1920 йилнинг баҳорида "Чўнтош" маҳалласида – Берди ака ва Адолат олаҳо хонадонидаги түғилган эканман. Отам чорвадор, онам ўй бекаси бўлган. Болалигимиз анчайин нотинч ва ҳийал кўркувда ўтганини эслайман. Қама-қама ва сурғон қилиш бошланганди ўшанда. Ҳалқнинг бор-бууди тортиб олиниб, колхозлаштириш сиёсати ҳукм сурған паллада минглаб ҳалқ фидойилари ва таникли олиму уламолар қатагона гуради.

Тўсатдан бошланган Иккинчи жаҳон ўруши эса ҳалқнинг бошига битган бало бўлди. Беҳисоб йўқотиш, адоксиз кул-

фат, ачичк кўзёшлар, эҳ-хе, айтаверсан гап кўп. Булар камлик қилгандек, чигит экиш, пахтага сув қўйиш, чорва боқиши, ғалла ўрими, рўзгор ташвиши, фарзанд тарбиясигача хотин-қизлар зиммасида эди.

Адашмасам, 1943 йилнинг баҳорида "Қоратоғ" канали қурилиши бошланди. Қорин тўйдирни учун эрта тонгдан то қош қорайгучна меҳнат қилганимиз. Бир неча ўн километрга чўзилган майдонда ҳафталаబ қолиб кетардик. Ёниб турган машъала тунни тонгга улаган. Ўша даврлардаги азоб-уқубат ва ғам-ташибилар қалбларда битмас жароҳат қолдирганини кекса авлод вакиллари яхши билади.

Қаҳрамонимиз урущдан кейин "Қизил ғарғона" ва "Галаба" колхозларida пахта-ғалла ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиширишда мунособ ҳисса кўшади. Чоравчилик ва паррандачилик билан шуғулланган. Кўп йиллар "Хайробод" қўргонидаги болалар интернат ўйхамда 50-умумий ўрта таълим мактабида фаррошлик қиласди.

– Яшаш – ҳикмат, узок умр – зийнат, дейдилар. Юз ёш ва ундан кўп умр кўришни сири нимада, – савол берамон момони.

– Бунинг хеч қандай синоати йўк, айланай. – Кимдир тўйимли ва сифатли овқат еган киши кўп яшайди, деса бошқа бирор "кора меҳнат" қилгандар тез қариди, деб ўйлади. Балки бу гапларда ҳам жон бордир.

Аммо мен бошқа фикрдаман. Кўнгли тоза ва саховатпеша инсон юз билан юлашиб, асрларнинг гувоҳи бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, сабр-қаноат ва доимий ҳаракат ҳам бу борада муҳим ўрин тутиши табиӣ.

– Гоҳида хонадонларда келишмовчилик бўлганини эшитиб қоламиш. Айрим ёш келин-қуёвларнинг ажрашиб кетаётгани ҳам ачичк ҳақиқат. Хўш, ҳаёт тўкис ва рўзгорлар ободлиги учун нималарга эътибор бериш керак...

– Ҳалқимизда "Қарс икки қўлдан...", деган ибраторумуз нақл бор. Ватан ичра мўъжаз маскан ҳисобланган оиласида ноинчлик бўлса, хайру барака кўтарилиди.

Мехр-оқибат ришталари узилиб, низо ва адоват уруғи ниш уради. Шунинг учун кудалар оқиллик ва донолик билан иш кўриши, ёшлар эса бир-бирини тўғри тушуниши керак. Шундагина хеч қандай норизолик ва дилхиралика ўрин қолмай-

ди. Жамиятда мустаҳкам оиласида сони кўпаяди.

– Ҳар бир фарзанднинг ўз ўрни бор. Ўзгача феъл-автор ва характерга эга бўлиши табиий. Давомчиларнинг қай бири сизга меҳрибон?

– Ўғил еб ўрга кетар, қиз еб қирга, дейди дононларимиз. Ҳудога шукр, келин олиб, қиз узатдик. Аллақачон ўзларидан тиниб-тиниб кетишган. Ажоддлар анъана-сиини неварав-чеваралар давом этираяпти.

Аммо мен учун ёнг яхшиси бу – Гўзал келин. У хурсандчилик кунларда ҳамроҳим, ташвиши дамларда дардкашим бўлган. Undan мингдан-минг розиман. Илоҳи, бу яшишиллари ўғил-қизларидан кайтсин.

– Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида түғилганман, – дейди Гўзал Турдиева. – Тұрмуш ўртогим Мирзақобил Муродов билан Самарқанд кооператив институтидаги ўқиб юрганда танишганмиз. Тўй-томошалар билан "Боги эрам"га келин бўлиб тушгандим. Шунгаям 40 йилдан ошиби, денг. Беш нафар фарзандни вояж етказдик. Саккиз нафар нахиранинг суюкли бувижони ва севимили бобожонимиз. Мана шундай бахти бутунлик ҳаммага наисб қилисин.

Ишонасизми, қайнонам ўз онамдек бўлиб қолган. Йўл-йўрик кўрсатиб, маслаҳат беради. Билмаганларимизни эринмай ўргатади. Овқат танламайди. Тозаликка эътиборли. Сут-қатиқ ва қўйатларни хуш кўради. Миш-миш ва иғодан йирок. Бирорвога ҳасрат қўлмайди. Тұрмушдан нолиганини эшитмаганман.

Шажарамиз улугини тирик тарихга киёслаш мумкин. Хотираси мустаҳкам, кўзлари тирик. Фарзандлар, келинлар, набираларнинг исми, түғилган йили, ойи ва ҳатто, кунигача яхши билади. Қачон тўй қилганимизу, қайси вақтда меҳмон келганингача тўғри айтади. Маҳалламиз маслаҳаттаги, хонадонимиз фариштаси ва меҳрибон дуоғўйимиз доим соғ-саломат бўлсин.

Қора кунларнинг қатлиоми, қирғинбаҳот дамларнинг даҳшатларию, урущдан кейинги тизгинисиз изтиробларни ортда қолдирган Бибиражаб момо Муродова янги замоннинг фараҳбаш кунларида иззат-хурмат ва роҳат-фароғатда умргузаронлик қўлмоқда.


**Абдувалик ҲАЙДАРОВ,**  
"Ўзбекистон овози" мухбири.

## БИЛАСИЗМИ?



**Аҳолининг пахта териш орқали топган даромадига солиқ солинмайди**

Солиқ кодексига мувофиқ, пахта йиғим-терими бўйича кишлоқ ҳўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг пахта териш орқали топган даромадига солиқ солинмайди.



**Шахсий эҳтиёж учун қудуқ қазиша руҳсатнома талаб қилинмайди**

Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга қудуқларни бурғилаш учун руҳсатнома олиш талаб қилинади.

Фуқаролар чукурлиги 25 метргача ер ости сувларига қудуқларни шахсий эҳтиёжлар учун бурғилағандан руҳсатнома олиш талаб қилинмайди.



**Йўл ҳодисаси натижасида шикастланган транспортлар автомобиль сақлаш жойларига қўйилмайди**

Автомобилларни саклаш жойларига қўйидаги транспортлар Давлат йўл ҳаракати хавфисизлиги хизмати орғанларининг маълумотномасисиз қабул қилинмайди:

– ёқилги ёки мой, суюқ ва суюлтирилган газ сизиб турган;

– салони ёки бағажнигида тез ёнучи, портлаш хавфи бўлган, радиоактив ёки заҳарли моддалар бўлган;

– йўл-транспорт ҳодисаси натижасида техник жиҳатдан шикастланган.

Шунингдек, оғирлиги 3,5 тоннадан кўп ва ҳайдовчи ўрнингидан ташкири, ўтириш жойлари 8 тадан кўп бўлган транспортлар ҳам доимий ва вақтнинг саклашга учун автомобиль тўхтаси жойларидан саклашга қабул қилинмайди.

[t.me/huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot)

## ҮЙИНГИЗНИНГ ҲУЖЖАТИ БОРМИ?..



Бугунги кунда аксарият қишлоқларда яшовчи фуқаролар хонадонларининг кадастр ҳужжатлари йўқ, ёки тўлиқ эмас. Бунинг натижасида кадастр ҳужжатлигига эга бўлмаган фуқаролар имтиёз ва имкониятлардан фойдалана олмайти.

Хусусан, улар томорқа учун кредит, курилиши ишларига субсидия, уй-жойни кенгайтиришга ипотека кредитларни ололмайти. Оқибатда жойлардаги Ҳалқ қабулохоналари, маҳаллий ҳокимлар, даҳлдор муассасаларга жуда кўплаб мурожаатлар келип тушмоқда. Энг ёмони, кадастр ҳужжати бўлмаган фуқаролар ер солигини уч карра ошириланг микдорда тўламоқиди.

– Фуқаролар кўп йиллардан бери яшаб келаётган хонадонларини конунг расмийлаштириб олмаган, – дейди кадастр агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиги Олимжон Махаров. – Бундай хонадонлар анча йиллар олдин отаси ёки бобосига тегиши бўлиб чиқади. Вақтида кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга боис хонадонларга ёки ерга тегиши бошқа айрим ҳужжатлар ҳам йўқолиб кетган.

Кадастр ҳужжатларининг афзаллик томонлари шундаки, ушбу ҳужжат аҳолига давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқалар учун керак. Жумладан, хонадонларни ижара бериш, банқдан кредит олиш, уй-жой олди-сотдиши, ноқонунидан эраллаб олиш ҳолатларни бартараф этиши, доимий ва вақтнингчалик пропискага кўйиш, коммунал хизматлар соҳасидан тўловлар учун кадастр паспортининг ўрни жуда мумкин.

Ўз

### ЭЪЛОН

"Ўзаросуғурта" АЖ Оҳангарон сувурта марказига тегиши A4-2020 №134251 рақамли полис йўқолгандиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**MUASSIS:**



**O'zbekiston ovozi**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Ulug'bek INOYATOV Muslihiddin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

**Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV**

**MANZILIMIZ:** 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-уи.

**Телефонлар:** (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.  
**E-mail:** [uzbovozi@mail.ru](mailto:uzbovozi@mail.ru)